*МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ*



2

*«ЧУВСТВУЮ ВЫСОКУЮ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ»*



11

*ТУРИЗМ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИ*



12

*СИЗ МАДАНИЯТЛИМИСИЗ?!*



14

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
6-avgust
payshanba

№ 27 (4465)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БУРЧИМИЗ



**... «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида Фарғона ва Қўқон шаҳарларининг асосий савдо марказлари, чорраҳалари, мактаб ва болалар боғчалари, маданият ва истироҳат боғлари, темир йўл ва автобекатларига 400 га яқин видеокузатув воситалари ўрнатилиб, уларнинг барчаси навбатчилик қисмларида ташкил этилган вазиятни назорат қилиш марказларига уланди.**

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ташкил этилган махсус кўчма хизмат кўрсатувчи автомашина ёрдамида Сўх туманида истиқомат қилувчи мингдан ортиқ фуқарога янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси расмийлаштириб берилди.**

**Шиддатли ахборот замонида яшаяпмиз. Бинобарин, одамларга тезкор ва ишончли ахборотни етказиб беришда давлат органларининг ахборот хизматлари етакчи кучга айланиши зарур. Шу талабдан келиб чиқиб, вилоят ИИБда ҳам очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.**

8

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

**БЕКОБОД ШАҲРИ:**

## АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

**Сектор ҳудудида 9 та – «Фарғона», «Обод турмуш», «Тараққиёт», «Нурли йўл», «Боғишамол», «Ширин», «Андижон» ҳамда Бобур ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинларидаги**

**6536 та** хонадонда

**26548 нафар**
аҳоли истиқомат қилади.



6

## МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ



**Ўқувчилик йилларимда тарих фани ўқитувчимиз: «Сизлар озод Ватанда туғилгансиз, онгингиз қарамликдан холи бўлиши керак. Унутманг, чин маънода эркин фарзандларгина юртини кўз қорачиғидай асрайди, уни буюк мамлакатга айлантиради. Бунга билимсиз, меҳнатсиз, юртга муҳаббатсиз эришиб бўлмайди, албатта», деганди. Назаримда, ўқитувчимизнинг шу икки оғиз гапида халқимизнинг орзу-умидлари, зиммамиздаги масъулият мукаммал ифодаланганди. Ўшанда 1991 йилда туғилганлигимдан, аниқроғи, истиқлол тенгдоши эканлигимдан ҳамиша фахрланганман.**

# ҒУРУРИМ МАНБАИ

Кейинчалик ғурурим сабаблари, омиллари ўзгара бошлади. Юртимизда улкан завод ишга тушганида ёки халқаро спорт майдонлари узра Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпираганида юрагимни фахр тўлдирарди. Ҳарбий хизматни чегара қўшинлари сафида ўтаган кезларда эса мамлакатимиз Қуролли Кучлари қудрати қалбимда чексиз ифтихор уйғотди.

Айни вақтда Жиззах вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг патруль-пост хизмати батальони сафида эл тинчлигини асраш, жиноятчиликка қарши курашиш ишига ўз ҳиссамни қўшаяпман. Хизматимиз туфайли юртдошларимиз куну тун ўзларини хотиржам ҳис қилишини туйганимда, кимнидир тазйиқдан ҳимоя қилганимизда ёки шум ниятли жиноятчини тутганимизда кўнглимни қониқиш ҳисси чулғайди.

Кимгадир суянч бўлганимизда ёхуд адашиб қолган фарзандини ота-онасига элтиб берганимизда билдирилган бир оғиз миннатдорлик мижжа қоқмай ўтказилган тун чарчоқларини тумандай тарқатиб юборади. Шундай пайтларда танангни жунжиктираётган совуқнинг нафаси кесилади, сенга саратоннинг оловли ҳамласи таъсир этмайди. Ҳатто тождор вирус солаётган хавф унут бўлади, хизматингни иккиланишларсиз давом эттираверасан.

Дарҳақиқат, ғурурланишга сабабларим кўп. Зафаробод тумани Барлос маҳалласида яшовчи ота-онамнинг орзуларини ушалтираётганимдан кўнглим осмон қадар юксалади. Оилам бағрида улғаяётган уч жигарбандимни қучоғимга олганимда дилимдаги шукроналик ҳисси тилимга кўчади.

Мен яна шуни яхши биламанки, орзуларим, ҳаётда топганларим ва эришганларимнинг сабабчиси, ғурурларим манбаи – Истиқлолдир. Ҳа, ўша мен тенгдош бўлган ИСТИҚЛОЛ!

**Мамаюсуф РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ Патруль-пост хизмати батальони отряд бўлинма командири, катта сержант.**

## ОФЛАЙН МАШҒУЛОТ

# БИЛИМ ВА МАЛАКАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДИ

**Карантин тадбирлари кучайтирилганлиги боис олий ҳарбий ўқув юртларини тамомлаб, ИИВ Қоровул қўшинлари сафига қабул қилинган 117 нафар ёш офицер билан ўтказилиши режалаштирилган 12 кунлик ўқув йиғинини бевосита ташкил этишнинг имкони бўлмади.**

Шу сабабли ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник Х. Батировнинг ташаббуси билан машғулотлар офлайн тарзда ташкил этилди. Ўқув йиғини якунлангач, ёш офицерлар хизматни давом эттириш учун тегишли ҳарбий қисм ва бўлинмаларга юборилди.

Ушбу машғулотларда олган билимлари ва орттирган амалий кўникмалари ёш офицерларга жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказишда, жанговар-хизмат вазифаларини бажаришда ҳамда тарбиявий ва мафкуравий ишларни ташкил этишда, шу билан бирга, шахсий таркибни бошқаришда қўл келиши шубҳасиз.

**Ҳасан ҚОДИРОВ,
оддий аскар.**









## ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

# ПСИХОЛОГИЯ ВА ЁШЛАР

**Ўзбекистон Миллий университетида Вазирлар Маҳкамасининг «Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ИИББ билан ҳамкорликда «Психология фани ва ёшларнинг ривожланиши» мавзусида халқаро онлайн конференция ташкил қилинди. Конференцияда БМТнинг турли йўналишлар бўйича вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Россия университетларининг психология соҳаси бўйича етакчи мутахассислари, тадқиқотчилари ҳамда амалиётчи психологлари иштирок этди.**



«ZOOM» онлайн платформаси орқали ўтказилган конференцияда Америка психологлари ассоциациясининг президенти Сандра Шулльман видеомурожаат йўллаб, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги илмий соҳалардаги ҳамкорликни олқишлаб, истиқболдаги янги лойиҳалар хусусида ўз фикрларини билдирди.

Анжуманда кун тартибидаги қатор муҳим масалалар ва соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг замонавий талабларига оид мавзулар бўйича дунёнинг нуфузли ташкилотлари вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг маърузалари тингланди. Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси, капитан Фаррух Бозорбоев, Миллий гвардиянинг Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси катта офицер-психологи, лейтенант Азамат Баҳриддинов, Тошкент шаҳар ИИББ Кадрлар бошқармаси ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант Бобур Абдиназаров ҳамда Ўзбекистон Миллий университети доценти Ҳасанбой Абдусаматовларнинг чиқишлари ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, психология соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган бир қатор тадқиқотчилар ҳам ўз тақдимотлари билан қатнашди. Конференцияда муносиб иштирок этган ходимларимизга сертификат ва ташаккурномалар ҳам берилди.

Онлайн мулоқотда кўплаб муҳим мавзулар қамраб олинди. Соҳада учрайдиган мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, унинг ечимлари хусусида сўз юритилди.

Конференция ишини жонли мулоқотда – 487 нафар, «YouTube», «Facebook» ва «Telegram» ижтимоий тармоқлари орқали мингга яқин иштирокчи ҳамда талаба ёшлар тўғридан-тўғри кузатишди.

Онлайн конференция давомида психология соҳасини янада ривожлантириш ва аҳолига малакали психологик хизматлар кўрсатиш бўйича таклифлар билдирилиб, келгусида бу каби лойиҳаларни ҳам амалга ошириш бўйича келишиб олинди.

**Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» мухбири.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ВАТАНИНИ СЕВГАН КИШИ БАХТИЁРДИР

**ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабини тамомлаган Аҳмаджон хизмат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган Бухоро тумани ИИБда профилактика инспектори лавозимида бошлади. Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, мана ўн икки йилдирки, профилактика хизматида, шундан тўрт йили профилактика катта инспектори лавозимида фаолиятини давом эттириб келяпти. У хизмат давомида ўзини масъулиятли, меҳнатсевар, ташаббускор ва ватанпарвар ходим сифатида намоён этди. Амалий тажрибасига таянган ҳолда, ҳамкасбларига намуна бўлиб, юқори натижаларга эришди. Айниқса, жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида тумандаги тўртта маҳаллада жойлашган «Жамоатчилик назорати» масканларида уч сменали хизматни ташкил этиб, доимий равишда назорат қиляпти.**

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маъмурий ҳудудидаги криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш мақсадида хизмат ҳудудида яшаб келаётган аҳоли билан, корхона ва ташкилотларда, шунингдек, таълим муассасаларида 150 маротабага яқин профилактик учрашув ўтказди. Олиб борилган самарали ишлари натижасида беш нафар муқаддам судланган шахсга нисбатан суд қарори билан маъмурий назорат ўрнатилишига эришди. Бундан ташқари, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган 317 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, 9 нафар гиёҳвандликка ва спиртли ичимликка ружу қўйган шахсни мажбурий даволанишга юборди. Шунингдек, 3 нафар зўравонликка учраган аёлга «ҳимоя ордери» бериб, уларнинг хавфсизлигини таъминлади.

Олиб бораётган профилактик ишлари натижасида ўзига бириктирилган – «Янги турмуш» маҳалла фуқаролар йиғинида жиноят содир этилмади. Шунингдек, унинг ташаббуси билан иккита, ҳамкорликда учта жиноят фош этилди, қидирувда юрган бир нафар шахс ушланиб, тергов органларига топширилди.



Майор А. Қаҳҳоров миллий гвардия ходимлари билан ҳамкорликда 127 нафар фуқаронинг шахсини ва туман ҳудудида бўлиш мақсадини аниқлаб, карантин қоидаларини бузган 86 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, туман СЭНМ ходимларига амалий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, 19 та автотранспорт воситаларини жарима майдончаларига жойлаштириб, уларнинг эгаларига нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирди.

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари доирасида транспорт воситалари қатнови чекланган вақтда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа кундалик эҳтиёж маҳсулотларини етказиш учун ёрдам бериб, меҳнатга лаёқатли 13 нафар ишсиз фуқаронинг доимий ишга жойлаштирилишида амалий кўмак кўрсатди.

– Аҳмад Қаҳҳоров билан анча йиллардан бери елкама-елка туриб хизмат қилиб келмоқдаман, – дейди «Янги турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ражаб Жўраев. – Чунки оила-турмуш доирасида бўладими ёки фуқароларнинг ечими қийин масалалари бўладими, доимо биргалашиб ҳал этиб келяпмиз. Шунингдек, маҳалла ҳудудининг ободончилиги, томорқа маданиятини юксалтиришда ҳам фуқароларимизга қўлдан келганича кўмагини аямайди. Уларга жўяли тавсиялар бериб, даромад кўришини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Зеро, фуқаролар тўқчилиги юртнинг фаровон бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам маҳалламизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бўлган фуқароларимиз Аҳмад Қаҳҳоровдан бир умр миннатдор.

Майор Аҳмад Қаҳҳоров меҳнатсеварлиги, фидойилиги, жонкуярлиги билан раҳбарият ва шахсий таркиб ўртасида ҳурмат ҳамда эътибор қозонди. Фидокорона хизматлари, айниқса, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қолиб, зиммасига юкланган вазифаларни бажариш йўлидаги астойдил хизмати қадр топмоқда. Президентимиз томонидан коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатганлиги учун мукофотланган юртдошларимиз қаторида «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Бу мукофотни барча жамоадошларим хизматига берилган юксак баҳо деб биламан, – дейди у ғурурланиб. – Чунки қандай ютуққа эришмайин, аввало, барчасининг замирида мен билан ёнма-ён хизмат қилаётган, қўллаб-қувватлаб турган ҳамкасбларим, шогирдларим, қолаверса, маҳалламиз фаолларининг ҳиссаси катта.

Шу ўринда, камтарона меҳнатимизни юксак баҳолаган Президентимиз ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдорлигимни ҳам изҳор қилмоқчиман.

Ўз Ватанини, халқини севган киши том маънода бахтиёр инсондир. Негаки, ватанпарварлик туйғуси кишини мудом эзгу ишга ундайди. Профилактика катта инспектори, майор Аҳмад Қаҳҳоров ҳам ўз ҳаётини халқимиз осойишталигига бахшида этаётган мард ўғлонлардан биридир. У каби ғайрат-шижоатли ходимларимиз бор экан, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверади.

**Фаррух УСМОНОВ,**
**катта лейтенант.**
**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

# «МУКОФОТ ЯНАДА ФИДОЙИЛИККА УНДАЙДИ»

**– дейди Нукус шаҳридаги 2-сонли ИИБ профилактика катта инспектори, майор Азат Боранбаев**

2011 йили ИИВ Академиясини муваффақиятли тамомлаган А. Боранбаев дастлабки фаолиятини Чимбой тумани ИИБда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори лавозимида бошлади. 2012 йилдан буён эса Нукус шаҳридаги 2-сонли ИИБ профилактика катта инспектори лавозимида хизмат қилиб келмоқда.



– Маълумки, ҳозирги карантин даврида ижтимоий тармоқларда ички ишлар ходимлари шаънига доғ туширадиган турли хабар ва видеолавҳалар ҳам учраб турибди. Аммо аксарият ҳолларда соҳа вакиллари ўз хизмат вазифасини қонун доирасида, сидқидилдан бажараётганлигига гувоҳ бўляпмиз. Майор А. Боранбаев жорий йилнинг шу кунига қадар вазирликнинг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда 2 та жиноятни фош этди. Шахсан ўзи 30 дан ортиқ қонунбузарликларни аниқлади. Карантин бошланганидан буён ўзига бириктирилган «Қумбиз овул» макон фуқаролар йиғини ҳудудида 130 дан ортиқ турли ҳуқуқбузарликларни фош этиб, айбдорларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий баённомалар расмийлаштирди.

Бундан ташқари, майор А.Боранбаев карантин даврида моддий томондан қийин вазиятга тушиб қолган оилаларга моддий ёрдам берилишида ҳам фаол иштирок этди. Шунингдек, ҳудудда истиқомат қилувчи икки нафар фуқарони «Дилиша Нукус» масъулияти чекланган жамиятга доимий ишга жойлаштирди. Шу сабабли, уни нафақат осойишталикни асраш, балки аҳоли муаммоларини ҳал этишда ҳам намуна сифатида келтириш мумкин.

Яқинда Президентимизнинг фармонига кўра, майор Азат Боранбаевнинг «Шуҳрат» медали билан мукофотлангани бизни беҳад қувонтирди. Эл-юрт учун қилинган меҳнат ҳамиша ўз баҳосини олади. Азат Боранбаев шундай эътирофга муносиб ходим, – дейди Нукус шаҳар ИИОФМБ ҲПБ бошлиғи, майор Бахтияр Уразов.

Бугунги карантин барча учун синовли кунлар ҳисобланади. Бундай пайтда бир-бирига ёрдам бериш, касаллик тарқалишининг олдини олишда иштирок этиш, ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчи саналади. Шундагина бу офатни енгиб ўтиш мумкин. Бу борада майор Азат Боранбаев «Қумбиз овул» макон фуқаролар йиғини раиси А. Қутлимуратова билан бамаслаҳат ҳолда, самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Зеро, юксак ишонч инсонни янада масъулият ва куч-ғайратга ундайди.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«На посту» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

ХИЗМАТЛАРДА

# ЙЎЛ ТАРТИБНИ ЁҚТИРАДИ

**Дам олиш куни автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар ўрнатилгани учун кўчалар деярли бўм-бўш. Наманганлик Н.Д. бошқарувидаги «Кобальт» автомашинаси Олмазор кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётиб, гўёки «учарди». Шу пайт у бошқарувни йўқотиб, қарама-қарши томондан келаётган «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам машинаси йўлига чиқиб кетди ва унга зарб билан урилди. Оқибатда Н.Д. кўкрак қафаси юмшоқ тўқимаси лат ейиши билан шикастланди. «Тез ёрдам» машинаси ҳайдовчисининг тан жароҳати эса оғирроқ эди: бош мия ёпиқ шикасти, ўнг оёқ сон суягининг ёпиқ синиши. Бироқ бу ҳаммаси эмас. Тез тиббий ёрдам автомашинасида кетаётган фуқаро оғир тан жароҳати олди ва шифохонада жони узилди.**



Яна бир мисол. Фарғоналик Н.В. жорий йилнинг 15 июль куни соат тахминан 22:00ларда Наманган шаҳар «Гўзал» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Косонсой кўчасида ўзининг «ГАЗ-53»





русумли юк автомашинасини бошқариб бораётиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, йўлнинг чап томонига чиқиб кетади. Бошқарувни йўқотиши натижасида машина деворга бориб урилади. Оқибатда ҳайдовчи тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади. Бироқ тиббий муолажалар кўрсатилганига қарамай, ўн кун ўтиб, вафот этади.

Яқинда Наманган вилояти ИИБ расмий сайтида Ахборот хизмати томонидан тайёрланган таҳлилий материал жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Унда вилоятда июль ойининг тўрт куни давомида айнан болалар билан боғлиқ бешта йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгани ҳақида сўз юритилган. Хусусан, 25 июль куни Наманган–Уйчи–Учқўрғон автомобиль йўлининг 30-километрида ҳаракатланаётган «Нексия» автомашинаси ҳайдовчисининг йўлига кутилмаганда пиёдалар ўтиши учун белгиланмаган жойдан уч ёшли қизалоқ чиқиб қолади. Ҳайдовчи хавфсизликни таъминлай олмай, қизни уриб юборади. Таассуфки, оғир тан жароҳати олган қизча шифохонада дунёдан кўз юмади. Бу воқеада, балки ҳайдовчининг ҳам айби бордир. Бироқ уч ёшли қизини қаровсиз қолдирган ота-онанинг масъулиятсизлиги, эътиборсизлиги мазкур йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлишида асосий сабаб эмасмикан?..

27 июль куни Чортоқ туманида ҳам аянчли йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилди. Кечки пайт велосипед ҳайдаб келаётган ўн ёшлардаги бола орқа ўриндиғига ўзидан икки ёш кичик жиянини ўтқазиб келаётган вақтда бошқарувни йўқотиб қўяди ва велосипед ағдарилади. Велосипеднинг орқа ўриндиғида ўтирган болакай ҳаракатланиб кетаётган «Зил-130» русумли транспорт воситаси йўлига йиқилади ва ғилдирак остида қолиб кетади. Оғир тан жароҳати олган саккиз ёшли бола шифохонада вафот этади.

Вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан юқоридаги каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, йўлда юрганда доимо ҳушёр бўлиш юзасидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Аянчли йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган ҳудудларда улар муҳокама қилинмоқда. Ота-оналар, ҳайдовчилар иштирок этаётган учрашувларда йўл-транспорт ҳодисаларининг юзага келиш сабаблари ўрганилиб, уларнинг олдини олиш йўллари, ҳаракат қоидаларига амал қилиш билан бирга, кўчаларда қаровсиз қолдирилган болаларга бефарқ бўлмай, уларни ота-онаси қўлига топшириш ёки хавфсиз жойга олиб ўтиш барчанинг фуқаролик бурчи эканлиги тушунтирилмоқда.

Автоҳалокатлар такрорланмаслиги учун ҳудудларда ҳайдовчиларни ҳушёрликка чақириш ва қоидабузарликларга чек қўйишга қаратилган бир қатор рейд тадбирлари ҳам ўтказилмоқда. Рейдлар давомида тегишли ҳужжатларсиз автомашина бошқарган, тезликни оширган, бошқа йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, транспорт воситалари вақтинчалик жарима майдонига қўйилмоқда.

Йўл интизомни ёқтиради. Шундай экан, тартибли йўл ҳаракати – узоқ умр кафолатидир.

**Азиза ЖОНИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Наманган вилояти.*

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ

# БЕДОРЛИК ОҒУШИДАГИ МАСКАН

**Жойлардаги криминоген вазият, ижтимоий-сиёсий ҳолатни кузатиб, таҳлил этиш, ходимларга раҳбариятнинг кўрсатма ва топшириқларини етказиш, айни чоғда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ҳақидаги хабарларга асосан, тергов-тезкор гуруҳларини ўз вақтида воқеа жойига сафарбар қилиш, жиноятларнинг «иссиқ изида» фош этилишини ташкиллаштириш, қолаверса, соҳавий хизматларнинг куч ва воситалари ҳамкорлигини мувофиқлаштиришда навбатчилик хизмати муҳим аҳамият касб этади.**

Бу борада Қашқадарё вилояти ИИБ Навбатчилик қисми ходимлари ҳам етарли даражада тажриба тўплаган. Улар зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда, воҳада тинчлик ва осойишталикни, фуқаролар хотиржамлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга, жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Навбатчилик қисми ходимлари барча соҳавий хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириб, турли қонунбузарликлар бартараф этилишида ҳамкасбларига кўмакдош бўлиш мақсадида куну тун хизматда.



...Бошлиқ ҳузурида ўтказилган йўриқномадан сўнг хизматга киришган вилоят ИИБ Ташкилий бошқармаси навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси, капитан Шерали Жўраев бошқарма раҳбариятининг шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари масъул ходимларига топшириқларини етказишдан бошлади. Шу пайт телефон жиринглади ва гўшакдан «Алло, ички ишлар бошқармасими?!» – деган овоз келди.

– Ҳа, Навбатчилик қисми инспектор-навбатчиси, сержант Ҳасан Зарипов эшитади, – дея жавоб берди навбатчи.

Қўнғироқ қилаётган шахс ҳаяжон аралаш хабарини баён этди. Унинг айтишича, Китоб туманидаги «Тошкент» савдо дўкони рўпарасида «Нексия-1» русумли автомашина бир одамни уриб юбориб, ҳодиса жойидан қочиб кетибди.

Хабарни олган сержант Ҳасан Зарипов дарҳол раҳбариятни огоҳ этиб, ҳудудда хизмат қилаётган ходимларни вазиятдан хабардор қилди.

Ходимларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари натижасида кўп ўтмай «Нексия-1» русумли автомашина топиб, ушланди.

Суриштирувлар давомида маълум бўлдики, китоблик М.Р. «Нексия-1» русумли, 01 В 946 LA давлат рақамли автомашинасини «Шаҳрисабз–Китоб» йўналишида бошқариб кетаётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда фуқаро Б.С.ни уриб юборади ва ҳодиса жойидан қочиб кетади. Натижада фуқаро олган оғир тан жароҳати туфайли воқеа жойида вафот этади.

Кейинги йилларда тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар вилоят ички ишлар органлари навбатчилик қисмларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, навбатчилик қисмлари ходимлари учун шинам хизмат ва дам олиш хоналари барпо этилиб, ҳуқуқий адабиётлар, замонавий компьютерлар, алоқа жиҳозлари, интернет ва автотранспорт воситалари билан таъминланди. Қарши шаҳар ИИОФМБ навбатчилик қисмида ситуацион марказ ишга туширилди.

Жорий йилнинг июнь ойида барча шаҳар-туман ИИБларидаги ички ишлар органларига олиб келинган шахсларни муҳокама қилиш хоналари видеокузатув мосламалари билан жиҳозланиб, марказий ва маҳаллий навбатчилик қисмига уланди. Натижада ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ИИБга олиб келинган фуқаролар, шунингдек, ички ишлар органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари назоратга олинди.

Ҳозир вилоятнинг олис тоғли ҳудудларида хизмат қилаётган ходимлар билан бошқарма навбатчилик қисми навбатчилари ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Узоқ қишлоқлардаги ижтимоий, криминоген вазият тўлиқ кузатувда. Албатта, бундай имкониятлар тизимда амалга оширилган янгиланиш ва ўзгаришлар туфайлидир.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ – МАҲАЛЛАНИНГ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДАГИ ВАКИЛИ

# ҲАЛОЛ ХИЗМАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

**Айни пайтда жойларда хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг иши янада кўпайган. Уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг нечоғлик долзарблиги, катта масъулият талаб қилишини ҳис этиш учун уларнинг бир кунлик хизмат жараёни билан танишиш етарли, назаримизда. Бугун карантин талабларини бузаётган фуқароларга тушунтириш бераётган ҳам, пандемия шароитида осойишталикка рахна солаётганларни тартибга чақираётган ҳам, айни чоғда жиноят содир этганларга қонуний чора кўраётган ҳам шу соҳа вакиллари. Қисқаси, улар ўз ҳудуди осойишталигини муносиб таъминлаб, ҳақиқий маънода маҳалланинг ички ишлар органларидаги вакилларига айланган.**

Бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Боғот туманидаги 251-сонли ички ишлар органи таянч пунктида бўлдик. Тўрт минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган «Деҳқонобод» маҳалла фуқаролар йиғини осойишталигини таъминлаш туман ИИБ ҲПБ профилактика катта инспектори, подполковник Эргашбек Оллаберганов зиммасига юклатилган. У жорий йилнинг ўтган даврида майда безорилик, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилиш, паспорт тизими тартибини бузиш, санитария-эпидемиологик қоидаларга риоя этмаслик каби ҳуқуқбузарликлар юзасидан 85 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирди. Фуқаролар томонидан йўлланган 47 та ариза ва шикоятларни ўз вақтида қонуний тарзда ҳал этиб, уларнинг ижобий ечим топишини таъминлади. Муқаддам судланган шахслардан 2 нафарига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиб, жиноят содир қилишга мойил бўлган 7 нафар шахс профилактик ҳисобга олинди. Қисқаси, кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида маҳалла ҳудудида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Энг муҳими, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши murosасиз курашиш, халқнинг дарди ва ташвиши билан яшаш ҳамда муаммоларини ижобий ҳал этиш 25 йиллик хизмат тажрибасига эга қаҳрамонимизнинг кундалик фаолиятига айланган.



– Профилактика инспектори маҳалланинг кўзи ва қулоғи бўлиши керак, деган иборани кўп эшитганман, – дейди «Деҳқонобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эгамберди Собиров. – Дарҳақиқат, профилактика инспектори маҳалладаги ҳар бир оила ва фуқаронинг ҳаёти, турмуш тарзи, яшаш шароити ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши керак. Ана шундагина у воқеликка холис баҳо бера олади. Ким жиноятга мойил эканлигини, кимнинг юриш-туриши ўзгарганлигини тезда англайди. Бизнинг профилактика инспекторимиз, Эргашбек Оллаберганов ана шундай сергак ходим. Уни доимо маҳалладан, одамлар орасидан топасиз. Халқнинг ташвиши билан юрганига гувоҳ бўласиз.

Бу ерда яшовчилар турли ташкилотларда меҳнат қилиш билан бирга, деҳқончилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик билан ҳам шуғулланишади. Ҳудуд профилактика инспектори маҳалла оқсоқоли билан бирга Рамат Искандаров, Саодат Авезова, Нафосат Абдуллаева, Сайёра Шокирова ва Насиба Оллаберганова сингари фуқароларга банкдан имтиёзли кредитлар олишида яқиндан ёрдам берди. Шунингдек, хонадонма-хонадон юриб, одамлар билан суҳбатлашган подполковник Э.Оллаберганов I гуруҳ ногирони Комил Болтаевнинг ногиронлар аравачасига муҳтож эканлигини аниқлаб, бу ҳақда туман ҳокимлигига мурожаат этди. Орадан кўп ўтмай, ҳам ижобий ҳал қилиниб, фуқарога ногиронлик аравачаси берилди. Қолаверса, унинг томорқасига иссиқхона ҳам қуриб берилди.

Содир қилган жинояти учун жазо муддатини ўтаб қайтган О. Кувондиқни иш билан таъминлашда ҳам подполковник Эргашбек Оллабергановнинг хизматлари катта бўлди. У маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан маслаҳатлашиб, фуқарони туман ободонлаштириш бошқармасига ишга жойлаштирди. Шунингдек, маҳалла ҳудудида яшовчи Муборак Аҳмедова, Роҳила Рўзметова ҳам «Искандаров Ҳайитбой» фермер хўжалигига доимий ишчи сифатида қабул қилинди. Хуллас, жорий йилнинг ўтган даврида профилактика инспекторининг ёрдами билан 9 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Профилактика инспектори маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳудуд аҳолисининг карантин қоидаларига риоя этиши, тунги навбатчилик гуруҳларининг фаолияти, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни ўрганиш ҳамда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби кўплаб масалаларни назорат қилмоқда. Бундай кенг кўламли тадбирларни амалга оширишда маҳалла фаолларидан Манглибой Мадраҳимов, Отажон Маткаримов, Пўлат Эгамов, Махфира Матчонова, Мурод Жумақовлар унга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ҳамкорликда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ютуқлари анча юксалиб, аҳоли осойишталиги таъминланмоқда.

– Профилактика инспекторларининг хизмат уйлари ҳамда имтиёзли кредит асосида шахсий автомашиналар билан таъминланиши хизмат самарадорлиги ошишида муҳим омил бўляпти, – дейди подполковник Э.Оллаберганов. – Бу имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноят содир этилишига имкон берувчи сабабларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг исталган вақтда мурожаат этишлари учун барча шароитларни яратиб бериш кундалик вазифамга айланган.

Дарвоқе, Эргашбек Оллабергановнинг узоқ йиллик самарали хизмати раҳбарият томонидан юқори баҳоланиб, ўтган йили унга «подполковник» махсус унвони берилди. Бу профилактика инспекторининг ҳалол ва фидокорона хизматига берилган муносиб баҳодир.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** *подполковник Эргашбек Оллаберганов маҳалла фаоллари билан.*

**Муаллиф олган сурат.**

КАРАНТИН

# ВИЖДОН АМРИ БИЛАН

**Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган мураккаб ва синовли кунларда ички ишлар органлари ходимлари ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, мавжуд хатарларга қарши курашишда, инфекция кенг тарқалишининг олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар юртимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш мақсадида матонати, билим ва салоҳияти, профессионал маҳоратини намоён этиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишяпти.**

**Хусусан, Коғон тумани ҳудудида ўрнатилган назорат-ўтказиш постларида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимларидан иборат нарядлар туну кун хизмат қилишмоқда. Улар учун қулай шароитлар яратиб берилган. Айниқса, туман ҳокимлиги томонидан икки маҳал иссиқ овқат етказиб берилмоқда. Ҳудудий тиббиёт ходимлари кунига икки маротаба уларнинг тана ҳароратини ўлчаб, соғлиқларини текшириб туришибди.**

**Юртимизда пандемия муносабати билан эълон қилинган карантин даврида санитария қоидаларини бузган 896 нафар фуқарога нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилган бўлса, карантин тартибларини бузган 769 та автотранспорт воситалари, шундан биргина кучайтирилган тартибдаги карантин даврида 135 та автотранспорт воситалари жарима майдончаларига жойлаштирилди.**

**Туман ҳудудидаги назорат-ўтказиш пунктларида ИИБ ходимлари, айниқса, майор Озоджон Эгамов, капитан Кувондиқ Ахматов, сафдорлар Толиб Бобоқулов ва Фарҳод Рўзиевлар хизмат бурчларини виждонан адо этиб келмоқда.**




**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИ

# ИККИНЧИ ИМКОНИЯТ

**Қоида тариқасида ҳаётда адашган, нотўғри қадам босган кишига хатосини англагач, ўз йўлини топиши учун иккинчи имконият берилади. Ахир, уни ҳам ҳаётнинг тоза жойларига қайтариш, зарур ёрдам кўрсатиб, иш билан таъминлаш керак. Вақти-вақти билан «Нима дардинг бор?» деб сўраб туриш лозим. Ана шундагина биз рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини оламиз, жиноятга мойил шахслар сонини камайтирамиз.**



Ички ишлар органлари тизимида пробация хизматининг ташкил этилишидан айни шундай эзгу мақсад кўзланган. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ахлоқан тузалиш йўлига киришлари учун уларга кўмак бериш мазкур хизмат ходимларининг зиммасига юкланган.

Термиз шаҳар ИИОФМБ пробация гуруҳи ходимлари ҳам бу вазифани беками-кўст адо этишга масъулият билан ёндашишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмаганини жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида маҳкумлар томонидан қайта жиноят содир этилмаганидан ҳам фаҳмлаш мумкин. Бу муддат мобайнида пробация хизмати ҳисобида турган маҳкумларнинг сони 253 нафарни ташкил этди. Улар орасидан жазони белгиланган тартибда, виждонан ўтаган 75 нафар маҳкум Жиноят кодексининг 73-моддасига мувофиқ, муддатидан олдин шартли равишда озод этилди. Бунда пробация хизмати ходимларининг судларга киритган тақдимномалари асос бўлди.

– Ўталмай қолган жазолари ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган маҳкумларни иш билан таъминлаш мақсадида Термиз шаҳар ҳокимлиги қошидаги кўниктириш маркази билан биргаликда давлат ва хусусий корхоналар билан шартномалар имзолашга эришдик, – дейди бошқарма пробация гуруҳи инспектори, катта лейтенант Жамшид Зоиров. – Айни пайтда 9 нафар маҳкум давлат ташкилотларида, 107 нафари хусусий фирмаларда, 4 нафари эса фермер хўжаликларида ишлаб, жазони ўтаб келишмоқда. Уларнинг иш жойларидаги шароитлар ҳар чоракда ўрганилиб, ойлик маошлари вақтида берилиши таъминланаётир.

Муддатидан илгари шартли равишда озод этилганларни иш билан таъминлаш учун аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳамда шаҳар ҳокимлиги билан доимий ҳамкорлик ўрнатилган. Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, кўпчилик ўз иш ўрнига эга бўлаётгани қувонарли.

– Термиз шаҳар ИИОФМБ пробация гуруҳи ходимлари ёрдами билан ўталмай қолган 3 йилу 9 ойлик жазо муддатидан шартли равишда озод этилдим, – дейди фуқаро Истам Менглиев. – Ҳатто қўлимда фуқаролик паспортим ҳам, турар жойим ҳам йўқ эди. Лекин мени ташлаб қўйишмади. Аввало, фуқаролик паспортини олишимга кўмаклашишди. Сўнг ётоқхона билан таъминлашди, «Тупроққўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинига жамоатчилик асосида ишга жойлаштиришди. Энди қаердан пул топаман, қандай қилиб кун кўраман, деб минг битта кўчага кириб чиқишимга ҳожат қолмади. Бу менга ўзимни тиклаб олишим, олдимга қўйган мақсадим сари интилишим учун бир имконият бўлди.

Ҳуқуқий амалиётда озодликни чеклаш жазо тури қўлланилади. Маҳкумлар ушбу жазони ўз уйида, айрим чекловлар асосида ўтайди. Улар яна қайта жиноятга қўл урмаслиги, жазо муддатини рисоладагидай ўташи учун рўйхат тузилиб, ҳудудий профилактика инспекторлари ва патруль-пост хизматларига тарқатилади. Бу эса маҳкумларнинг яшаш жойларини тунги вақтда текшириш ва улар билан профилактик суҳбатлар олиб борилиши учун зарур. Термиз шаҳар ИИОФМБ пробация хизмати ходимлари ҳам бу тартибга қатъий амал қилиб келишмоқда.

Жамиятни, миллатни ҳар хил бўҳронлардан омон сақлаб қоладиган омил одамийликдир. Унинг негизидаги меҳр-оқибат, инсоний фазилатларгина ҳар қандай бўшлиқ ва ногаҳоний айнишларни жиловлай олади. Шундагина жамиятнинг ҳар бир аъзосида ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиборсиз қолиб кетмаслигига ишонч пайдо бўлади. Бу ишонч эса одамларни жиноят кўчасига эмас, балки манзили ёруғ умидлар сари етаклайди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**

*Сурхондарё вилояти.*

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

## БЕКОБОД ШАҲРИ:
# АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

**Инсонларга яхшилик қилиш, қийин дамларда кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш энг эзгу амаллардандир. Халқимизга хос бу азалий фазилат намойишини бугун секторларда олиб борилаётган амалий ишлар мисолида кўришимиз мумкин. Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри 3-секторида амалга оширилаётган тадбирлар доирасида ҳам ҳудуд аҳолисини қийнаб келаётган кўплаб муаммолар ижобий ҳал этилмоқда.**



Сектор ҳудудида 9 та – «Фарғона», «Обод турмуш», «Тараққиёт», «Нурли йўл», «Боғишамол», «Ширин», «Андижон» ҳамда Бобур ва Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 6536 та хонадонда 26548 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Негаки, аҳоли турмуш шароитини яхшилашда, қолаверса, жиноятчиликнинг олдини олишда ишсизликнинг бартараф этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис сектор раҳбарияти томонидан бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Сектор ҳудудида жорий йилда амалга оширилиши белгиланган турли инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилган. Ушбу рўйхатга асосан, «Бекобод огнеупор» МЧЖнинг ўтга чидамли ғиштлар ишлаб чиқариш бўйича 2 та инвестиция лойиҳаси асосида 50 та, «Naril apparel group» МЧЖ лойиҳаси асосида 200 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, «Фармонова Моҳидил» ХКнинг маиший хизмат кўрсатиш инвестиция лойиҳасига кўра 15 та, «Сардорбек Диёрбек» МЧЖ ҳамда «Алиёрова Зарина» ЯТТларнинг инвестиция лойиҳалари асосида 6 тадан иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.



Шунингдек, сектор раҳбарининг бевосита ташаббуси билан олти нафар фуқаронинг ишга жойлаштирилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

– Айни пайтда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кундалик даромад манбаидан ажралиб қолган 380 та оила рўйхати шакллантирилган, – дейди сектор котиби, капитан Нодир Хўжамов. – Улар орасида ишсизлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз яшовчи кексалар ва бошқа тоифадагилар бор. Уларнинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, ёрдам кўрсатиш бўйича тегишли амалий чоралар кўрилмоқда.

Дарвоқе, пандемия даврида фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида секторга қарашли барча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида аҳолининг кундалик истеъмол эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, кўчма озиқ-овқат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, биргина июль ойида 66 та эҳтиёжманд оилага «Саховат ва кўмак» жамғармаси томонидан бир ойлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу амалларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун қилинаётир. Бу ишга Бекобод шаҳридаги 3-сектор масъуллари ҳам камарбаста бўлишмоқда.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Тошкент вилояти.*

РОВЕСНИКИ НЕЗАВИСИМОСТИ

# Молодому поколению есть на кого равняться

**Как быстро летит время… Уже выросло и возмужало поколение, родившееся в год провозглашения независимости Республики Узбекистан. Нынешние двадцатидевятилетние в одном строю со старшими укрепляют государство, охраняют и славят нашу древнюю, но вечно молодую землю.**



Чем живут сегодня ровесники независимости? Кем они стали? Как служат стране, которая наделила их знаниями, профессией, целеустремленностью?

С этими вопросами мы обратились к инспектору профилактики ОП № 70 ОВД № 6 Мирзо-Улугбекского района, обслуживающему махаллю Олмачи, лейтенанту Жамшиду Жураеву.

Ровесник независимости – уроженец Шахрисабзского района Кашкадарьинской области Ж. Жураев в органах внутренних дел служит не так давно, всего лишь два года, а в службе профилактики – год.

– В моем ведении – махалля Олмачи, где проживают свыше 11 тысяч человек. Почти половину населения составляют дети, подростки, что традиционно для Востока. Подрастающее поколение требует к себе особого внимания, – говорит инспектор профилактики лейтенант Жамшид Жураев. – Одиннадцать тысяч человек – это столько же характеров, судеб. У каждого есть причины для горести и радостей, своя история. Сложно, конечно, уследить за всеми, в чьей жизни что-то пошло не так. Но когда на помощь приходят окружающие, то с любой трудностью справиться легче. Обеспечивать правопорядок в махаллях, безусловно, задача сотрудников органов внутренних дел. Но в одиночку бы мы не справились. Надежные союзники – председатель махаллинского комитета, женсовет, примирительная комиссия, советники по вопросам религиозного просвещения и духовно-нравственного воспитания, жители махалли, которым небезразлично, как складывается жизнь на их малой Родине.

2 августа 2019 года, почти через год после начала службы, из бригады ППС Ж. Жураев перешел в профилактическую службу. Эта стезя пришлась ему по душе. Наладить контакт с любой категорией населения лейтенанту помогают его опытные напарники – старший инспектор профилактики капитан Р. Холикулов и лейтенант М. Мирисломов. Работает он, как отметило руководство, с огоньком, к делу подходит ответственно. И махаллинцы, видя его трудолюбие, неравнодушие к их судьбам, проникаются к нему уважением и доверием.

Совместно с активистами молодой сотрудник обеспечивает спокойствие на вверенной территории, пресекает разного рода правонарушения. К примеру, в начале введения карантина, 28 апреля, в 21.00 часов в пункте общественного контроля, расположенном в МСГ «Буюк Ипак йули», инспектор профилактики лейтенант Ж. Жураев заметил двух подростков, беспечно гулявших по улице. Блюститель правопорядка остановил их и попросил предъявить документы, которых при них не оказалось. На вопросы сотрудника подростки отвечали невнятно, чем вызвали подозрение. Для выяснения обстоятельств он доставил ребят в ОП ОВД № 70 и в присутствии понятых попросил показать содержимое карманов. У уроженца Юкоричирчикского района столичной области, 17-летнего В. Т. были обнаружены два целлофановых пакетика, а в них – кристаллическое вещество. Как потом показала экспертиза, это было запрещенное сильнодействующее психотропное средство.

О многом рассказал инспектор профилактики: как удалось добиться снижения количества правонарушений; какая работа ведется по оказанию посильной помощи малоимущим семьям, одиноким престарелым и просто нуждающимся в социальной защите в период карантина; как смогли примирить поссорившихся супругов и тем самым сохранить семью от развода и еще о многом другом.

В преддверии праздника Курбан байрам лейтенант Жамшид Жураев вместе с медработником районной поликлиники проведал пожилых жителей махалли Олмачи – 93-летнего Константина Жукова и его супругу, 90-летнюю Тамару Жукову, которые нуждались в социальной и медицинской помощи. Гости справились о здоровье стариков, помогли прибраться в доме, принесли необходимые продукты питания и приготовили еду. Врач поликлиники провел медицинский осмотр и сделал необходимые назначения. Сотрудники доставили для Константина Ивановича необходимые медикаменты.

Беседуя с лейтенантом Ж. Жураевым, понимаешь, что человек находится на своем месте, самоотверженно служит во имя спокойствия граждан. На него – ровесника независимости может равняться подрастающее поколение – будущие защитники Родины.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

ДОБРОТА И ПОДДЕРЖКА

# ВСЕГДА ГОТОВЫ ОКАЗАТЬ СОДЕЙСТВИЕ

**Среди нашего народа высоко ценятся такие нравственные качества, как проявление к окружающим заботы и уважения, доброты и душевной щедрости.**

Сотрудники органов внутренних дел принимают непосредственное участие в деятельности по всестороннему содействию семьям, потерявшим в нынешних непростых условиях введения карантинных ограничений источники доходов, временно безработным, лицам с инвалидностью, престарелым.

Так, на территории третьего сектора по социально-экономическому развитию Чимбайского района Республики Каракалпакстан ведется системная работа по оказанию адресной помощи населению. Недавно представители ОВД, навестив малообеспеченные семьи, лиц, нуждающихся в поддержке, доставили им материальную помощь, а также продовольственные товары первой необходимости. В числе тех, кто получил помощь, и жители МСГ «Гужуимли».



* * *

На каком бы участке сотрудники органов внутренних дел не несли службу, они всегда руководствуются принципом «Доброе дело не бывает малым или большим». Примеров тому немало.

В социальных сетях люди выражают благодарность стражам правопорядка, оказавшим поддержку тем, кто попал в затруднительное положение. К примеру, в группу Inspektor_uz Telegram-канала пользователь Кадирбек выложил фото, на котором запечатлено, как в Бостанлыкском районе столичной области сотрудник ДПС помогает женщине преклонного возраста, в разгар жаркого дня, в условиях отсутствия автотранспорта оказавшейся на дороге, добраться до дома на патрульной машине. Пользователь канала искренне пожелал таким стражам порядка успехов в службе.



**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**

# ҚЎШСАҲИФАДА —

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ОЛИЙ БУРЧИМИЗ

**Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан катта аҳамият касб этаётир. Буни Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида жорий йилнинг ўтган даврида олиб борилган ишлар, соҳага татбиқ этилган янгиликлар, аҳолига яратилган қулайликлар мисолида ҳам кўриш мумкин.**



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда муқаддам содир этилган жиноятлар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича янгича тизим жорий этилди. Криминоген вазияти оғир 18 та ҳудудда замонавий электрон воситалар билан жиҳозланган патруль-пост хизмати кўчма масканлари барпо қилинди. Шунингдек, аҳоли гавжум бўлган кўчаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, тор жойларда тез ҳаракатланиш ва ёрдамга ўз вақтида етиб бориш мақсадида ППХ саф бўлинмалари 26 та скутер билан таъминланиб, мотопатруль йўналишлари ташкил этилди.

Жорий йилда вилоят ИИБ 10-сонли тергов ҳибсхонасида илк бор тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизимлари билан жиҳозланган 2 та махсус хона ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Бу, ўз навбатида, тергов жараёнида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида хизмат қилади. Яъни, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа ноқонуний усулларни қўллашнинг олдини олади. Сўроқ, юзлаштириш, шахсни таниб олиш, масофадан видеоконференцалоқа тизимида тергов ҳаракатларини олиб бориш имконини беради.



Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишига сўзсиз риоя этиш мақсадида Фарғона ва Қўқон шаҳар ИИОФМБ ҳамда шаҳар-туман ички ишлар бўлимларининг тергов, жиноят қидирув бўлинмалари, шунингдек, навбатчилик қисмларидаги барча хизмат хоналарига терговга қадар текширув, суриштирув ёки тергов ҳаракатлари жараёнини қайд этиб борувчи 1200га яқин видеокузатув воситалари ўрнатилди. Видеокузатув мосламалари соҳавий хизматлар раҳбарларининг хизмат хоналарига интеграция қилиниб, доимий равишда назорат қилиб бориш имконияти яратилди.

«Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида Фарғона ва Қўқон шаҳарларининг асосий савдо марказлари,



чорраҳалари, мактаб ва болалар боғчалари, маданият ва истироҳат боғлари, темир йўл ва авто бекатларига 400 га яқин видеокузатув воситалари ўрнатилиб, уларнинг барчаси навбатчилик қисмларида ташкил этилган вазиятни назорат қилиш марказларига уланди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ташкил этилган махсус кўчма хизмат кўрсатувчи автомашина ёрдамида Сўх туманида истиқомат қилувчи мингдан ортиқ фуқарога янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси расмийлаштириб берилди.

Шиддатли ахборот замонида яшаяпмиз. Бинобарин, одамларга тезкор ва ишончли ахборотни етказиб



беришда давлат органларининг ахборот хизматлари етакчи кучга айланиши зарур. Шу талабдан келиб чиқиб, вилоят ИИБда ҳам очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, ахборот хизматининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Очиқликни таъминлаш, фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, жисмоний ва юридик шахслар билан тўғридан-тўғри мулоқотни янада жадаллаштириш мақсадида янгиланган ҳолатдаги бошқарма расмий веб-сайти ишга туширилди. «Telegram» ва «Facebook» ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари очилди.

Эндиликда фуқаролар бошқарманинг расмий сайти орқали раҳбарларга ўз мурожаатини ҳеч бир тўсиқларсиз йўллаши мумкин. Сайт орқали йўлланган ҳар бир мурожаат малакали мутахассислар томонидан тез фурсатда ва ҳар томонлама кўриб чиқилади.

Кези келганда, вилоят ИИБда «Ҳаракатдаги ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази» ташкил этилганини ҳам алоҳида қайд этиш ўринли. Замонавий «Газель» русумли микроавтобус таркибида барпо этилган марказда психолог, тарбиявий ишлар бўйича инспектор, шифокор фаолият юритади. Барча зарур воситаларга эга ушбу марказ фавқулодда ҳолатларда ходимларга, зарур бўлганда, фуқароларга психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган. Бу эса хизмат пайтида ходимларнинг фаол руҳий ҳолатда бўлишини таъминлаб, улар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларни тез ва самарали бартараф этишга ёрдам беради.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида вилоятдаги 1041 та маҳалладан 546 тасида жиноят содир этилмади. Афсуски, 25 тасида камайгани ҳолда, 401 тасида ўсишига йўл қўйилган. Лекин умумий жиноятчиликнинг 10,1 фоизи эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган қонунбузарликлар ташкил этади. Қолаверса, ҳисобот даврида рўйхатга олинган 3324 та жиноятнинг 1006 таси, яъни 30,2 фоизи ўтган йилларда содир этилган жиноятлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, самарали тезкор-қидирув фаолияти натижасида аниқланган жиноятлар 542 тага кўпайишига эришилган.

Қайд этиш керакки, вилоятда ижтимоий-сиёсий ҳамда криминоген вазиятни ҳаққоний баҳолаш, қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, фуқароларнинг сарсон бўлишига чек қўйиш, қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида айни пайтда ички ишлар органлари фаолиятида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг инновацион «102» автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда. Яқин кунларда ушбу тизимни ишга тушириш режалаштирилган.

Айни пайтда вилоятимизда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида 25 июлдан 25 августга қадар «Меҳрибон қўшни» ойлиги ўтказиляпти. Бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад – кексалар, имом-хатиблар ва маҳалланинг бошқа обрўли фуқароларни жалб этган ҳолда, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик тушунчаларини кенг тарғиб қилиш, улар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олишдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, вилоят ички ишлар органларининг барча ходимлари аҳоли манфаатларига хизмат қилиш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этмоқда.

**Дониёр ТОШХЎЖАЕВ,**
**вилоят ИИБ бошлиғи,**
**полковник.**

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## МАҚСАД – ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

**Бугунги пандемия шароитида ички ишлар органлари ходимлари халқ ичида, карантин ҳудудлари ва касаллик ўчоқларида хизмат олиб бориб, катта жасорат ва матонат кўрсатмоқда. Аммо уларнинг касаллик юқтириб олиши эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабли соҳа ходимларининг саломатлигини ҳимоя қилиш борасида туну кун хизмат олиб боряпмиз.**

Вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими қошида махсус штаб ташкил этилган бўлиб, ички ишлар органларида тождор вирус тарқалишининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қилинаётган ишлар штабда мунтазам таҳлил қилиб борилияпти.

Айни чоғда тиббиёт бўлими поликлиникаси ва амбулаториясига тана ҳарорати юқорилиги билан мурожаат қилган беморлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, коронавирус касаллигига суртма тест намуналари олиняпти ва вилоят СЭОМ вирусология лабораториясига юборилмоқда.

Вилоятдаги барча ички ишлар органлари биноларининг назорат-ўтказиш жойларида фильтрлар ташкил қилиниб, ходимлар иситмаси ўлчанган ҳолда, ичкарига киритилмоқда. Барча биноларда кун давомида 3 марта зарарсизлантириш тадбирларини ўтказиш йўлга қўйилган.

Юқори ҳарорат кузатилган ва ўткир зотилжам касаллигига гумон қилинган беморларнинг кунлик мониторинги ташкил этилиб, эпидемиологик анамнез йиғиб, касаллик сабаблари батафсил ўрганиляпти.

Тиббиёт бўлими ИИВ Тиббиёт бошқармаси томонидан зарур дори-дармон, тиббий жиҳозлар, зарарсизлантирувчи воситалар, тиббий ниқоблар ва ҳимоя кийимлари билан тўлиқ таъминланган. Карантин тадбирлари давомида эса шахсий таркиб ва бириктирилган контингентни коронавирус касаллигидан ҳимоя қилиш мақсадида 310 килограмм хлорли модда, 10 минг 900 дона тиббий қўлқоп, 112 литр антисептик гель, 114 дона ҳимоя кийими ва 4 та автомакс ускунаси олиниб, ички ишлар органларига тарқатилди.



Тиббиёт бўлими поликлиникаси ва амбулаторияси, 10-тергов ҳибсхонаси, ППХ ва ЖТСБ Реабилитация маркази ҳамда бошқа муҳим жойларда ўткир респиратор инфекциясига қарши чеклов тадбирлари жорий қилиниб, беморларни алоҳидалаш учун «изолятор» хоналари ташкил этилди ва дори-дармон захиралари яратилди.

Тиббиёт ходимлари ва беморларни шифохоналарга кузатиб боришга жалб этилган ҳамда касаллик ўчоқларида хизмат олиб бораётган ходимлар шахсий ҳимоя кийимлари билан тўлиқ таъминланяпти, саломатлиги мунтазам назорат қилиняпти. Шу билан бирга, вилоят ҳудудида ташкил этилган блок-постларда хизмат қилаётган, Covid–19 билан касалланган бемор билан бирламчи ва иккиламчи мулоқотда бўлган ички ишлар органи ходимлари тўлиқ изолятор ва уй шароитида карантинга олиниб, тиббий кузатувга қўйилмоқда.

Соҳа ходимларининг тиббий маданиятини ошириш, улар ўртасида касалликнинг олдини олиш мақсадида Ички ишлар бошқармаси ва бўлимларига «Коронавирус касаллиги профилактикаси» номли услубий қўлланма, 600 дан ортиқ эслатма тарқатилди. Ходимлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари эса мунтазам олиб борилияпти.

**Равшанбек ҲАЙИТОВ,**
**майор.**



## БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНЛАРИ

**Фарғона шаҳрида истиқомат қилаётган кўп миллатли аҳоли ички ишлар органлари, айниқса, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш ходимларининг хизматидан жуда мамнун. Негаки, шаҳарда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, одамларнинг хотиржам ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишда мазкур хизмат ходимларининг ўрни беқиёсдир.**

Айни пайтда вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ 1-батальони ходимлари эл тинчлигини асраш йўлида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда Фарғона ва Марғилон шаҳарлари ҳудудида туну кун хизмат олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида батальон ходимлари икки ҳисса масъулият билан хизмат олиб бориши натижасида 17 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда 212 та жиноятни очишда фаол иштирок этишди. Ходимларнинг ҳушёрлиги туфайли қидирувдаги 19 нафар шахс ушланди.

Йилнинг ўтган даврида бевосита ППХ ходимлари томонидан 111 минг 760 нафар фуқаро кўча ва жамоат жойларида бемақсад юргани ҳамда шубҳа уйғотгани учун жойлардаги ички ишлар бўлимларига келтирилди. Ҳуқуқбузарлик содир этган 14 минг 285 нафар фуқаро эса маъмурий баённома расмийлаштириш учун жойлардаги профилактика инспекторларига топширилди.

Мунтазам ўтказиб келинаётган «Тиғ» махсус профилактик тадбири давомида 528 нафар фуқародан 377 дона пичоқ, 59 дона бита, 1 дона кастет ва 91 дона бошқа турдаги ўткир тиғли жисмлар олинди. Инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган буюмларни олиб юрган ушбу фуқаролар билан зарурий профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Юртимизда карантин тартиби давом этаётган ушбу кунларда соҳавий хизмат ходимлари ҳақиқий жасорат, қаҳрамонлик кўрсатяпти, десак, муболаға бўлмайди. Ҳар бир ходим ўзига бириктирилган хизмат ҳудудида фуқароларни карантин қоидаларига қатъий амал қилишга чақириб, бу борада назорат ўрнатиб, эпидемияни бартараф этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, сўлим Фарғона ва Марғилон кўчаларида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда соҳа ходимлари фидойилик кўрсатиб, эл-юрт ишончини муносиб тарзда оқлашаётир.

**Шуҳратжон ШЕРМАТОВ,**
**майор.**

## ҲАМИША ОЛДИНГИ САФДА

**Ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш ва фош этишда жиноят қидирув хизматининг тезкор ходимлари доим олдинги сафларда бўлишади. Тезкор ходимларнинг фаоллиги жорий йилда ўтказилган «Қорадори – 2020» тадбирининг биринчи босқичида ҳам яққол намоён бўлди.**

Шу йилнинг 20 май куни вилоят ИИБ ЖҚБ ходимлари Риштон туманидаги ҳамкасблари билан билан ҳамкорликда «Қорадори – 2020» тадбири давомида уйида кўп миқдорда гиёҳвандлик моддаси сақлаб келаётган фуқаронинг қилмишини фош этди. Аниқроғи, туманнинг Оқер қишлоғида яшовчи Ш.Ж.нинг хонадони кўздан кечирилганда, 3 та синтетик қопда, 1 та синтетик сумка ҳамда 1 та оқ рангли целлофан пакетда, жами ўн уч килою тўрт юз эллик грамм наша гиёҳвандлик моддаси қуритилган ҳолда сақлаб келинаётгани аниқланди. Гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил тариқасида олинди.

Шу куни тезкор ходимлар Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро С.Қ. томорқасида 1877 туп кўкнори ва 2 туп наша гиёҳвандлик ўсимлигини парваришлаб келаётганини ҳам аниқлашди. Ушбу ўсимликлардан ашёвий далил тариқасида намуна олиниб, қолган қисми ёқиш йўли билан йўқ қилинди.

8 июнь куни Қўқон шаҳрида гиёҳвандлик воситаси савдоси билан боғлиқ жиноят ҳам фош этилди. Ўша куни фуқаролар П.С. ва Ў.М. 300 минг сўмга гашиш гиёҳвандлик моддасини сотаётган вақтда соҳа ходимлари томонидан қўлга олинди. Шундан сўнг Ў.М.нинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилди ва у ердан электрон тарози, гашиш, опий ва марихуана гиёҳвандлик моддалари топилди.

Тезкор ходимлар фаолияти билан боғлиқ бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, улар мудом ёмонликка қарши туриб, сизу бизнинг ҳаловатимиз учун хизмат қилишмоқда.

**Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,**
**подполковник.**

*Қўшсаҳифа материалларини Фарғона вилояти бўйича ўз мухбиримиз Абдувосит СИДИҚОВ тайёрлади.*

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ТУРИЗМ – СТРАТЕГИЧЕСКАЯ ОТРАСЛЬ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**В своем Послании Олий Мажлису Президент Республики Узбекистан отметил, что туризм должен стать одной из стратегических отраслей экономики нашего государства.**

**На сегодняшний день в мире в сфере туризма работает каждый десятый трудящийся, а оборот туристического рынка составляет почти девять триллионов долларов. Наша страна имеет все возможности для развития данной отрасли, которая должна стать ключевой для экономики.**



Узбекистан привлекает людей со всего мира своей самобытной культурой, древней историей, уникальной архитектурой. В нашей стране находится свыше 8 200 объектов культурного наследия. Бухара, Самарканд, Хива, Шахрисабз и другие исторические центры всегда представляли интерес для тех, кто изучал труды великих просветителей, энциклопедистов, государственных деятелей, кто постигал мудрость Востока. Особо ценятся во всем мире узбекский шелк, адрас, атлас, небесная керамика, ажурная вязь мастеров резьбы по дереву и ганчу. Гурманы с других континентов и стран едут в гастрономические туры, чтобы отведать узбекский плов, кебаб и другие изыски нашей непревзойденной кухни. Поэтому вполне естественно использовать проявляемый людьми по всему миру интерес к нашей стране как двигатель отечественной экономики, ее стратегическую отрасль, что, в свою очередь, станет способствовать повышению уровня благосостояния людей.

В связи с этим, согласно разработанному Узбекистаном проекту, 19 декабря 2019 года Генеральная Ассамблея ООН на своей пленарной сессии единогласно приняла специальную резолюцию «Устойчивый туризм и устойчивое развитие в Центральной Азии». Государства-члены отметили практический вклад государств региона, в частности Узбекистана, в дело укрепления стабильности, а также заявили о полной поддержке усилий, направленных на укрепление экономического сотрудничества в Центральной Азии.

Ранее, 2 декабря 2016 года, Президент Республики Узбекистан подписал Указ «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристической отрасли Республики Узбекистан». Согласно данному документу, туризму был придан статус стратегического сектора экономики.



По статистике, в прошлом году нашу страну посетили 6 748 500 туристов. Намечено обеспечить рост потока иностранных гостей до десяти миллионов в 2022 году и до 12 миллионов – в 2025-м. Благодаря этому, экспорт туристических услуг будет доведен до 1,5 миллиарда долларов в этом году и до трех миллиардов долларов в течение следующих пяти лет.

Для привлечения туристов Узбекистан осуществляет различные проекты. В частности, были проведены I международный форум по зиёрат-туризму (Бухара), Художественный фестиваль искусства Бахши (Термез), Археологический форум «Узбекистан – перекресток великих дорог и цивилизаций» (Сурхандарьинская область), I международный турнир «Игра богатырей» (Хорезмская область), Авторалли «Муйнак», электронный музыкальный фестиваль «Стихия» (Республика Каракалпакстан), I ежегодная туристическая выставка стран СНГ (Самарканд), Международный фестиваль агротуризма «Анор» (Кашкадарьинская область).



Введен безвизовый режим для граждан 86 государств и упрощенный визовый режим для граждан 57 государств.

Разрабатывается новая учебная программа по подготовке специалистов для сферы туризма. Особый упор делается на внедрение современных IT-технологий, которые позволят потенциальному гостю нашей страны смоделировать предстоящее путешествие в Узбекистан, находясь у себя на Родине.

Роль образования и повышения квалификации кадров для сферы туризма приоритетна, так как туристической индустрии требуются профессионально подготовленные специалисты. С этой целью было принято постановление Президента «О создании международного университета туризма «Шелковый путь» от 28 июня 2018 года. Вуз готовит профессиональные кадры, проводит научно-исследовательские работы в сфере международного туризма.

Для развития туристической сферы экономики необходимо информировать мировую общественность о богатом историческом потенциале нашей республики. Но в первую очередь нам самим нужно изучить объекты культурного наследия, сформировать инфраструктуру в малоизвестных археологических, исторических, культурных местах. Ведь из огромного количества объектов в туристические маршруты включено лишь 500. Президент в своем Послании отметил, что следует разработать меры по доведению числа маршрутов паломнического и традиционного туризма до 800 в нынешнем и до 2,5 тысячи к 2025 году.

Большой поток туристов, ожидаемый в связи с претворением намеченных планов, предполагает обеспечение безопасности гостей страны, что, в свою очередь, налагает особую ответственность на стражей порядка, призванных охранять мир и спокойствие на территории пребывания туристов.

В связи с этим, было создано Управление координации обеспечения безопасного туризма Министерства внутренних дел Республики Узбекистан и его территориальные подразделения, разработаны и внедряются концепции «Безопасный туризм», «Безопасный город». Действуют ситуационные центры, задачи которых – мониторинг безопасности туристических объектов, информирование гостей о потенциальных угрозах в режиме реального времени, защита их прав и законных интересов. Сотрудники туристической полиции оказывают посильную помощь гостям столицы и древнейших городов нашей страны.

Все это повышает имидж Узбекистана в мире как стабильной, безопасной страны, в которой есть на что посмотреть, и при этом чувствовать себя абсолютно спокойно, будучи уверенным, что любая непредвиденная ситуация будет разрешена и на любой вопрос всегда помогут найти ответ сотрудники органов внутренних дел, стоящие на страже интересов туристов.

Пандемия коронавируса и глобальные кризисные явления оказывают негативное влияние на все сферы мировой экономики. Не является исключением и сфера туризма. Эти явления также затронули туристическую отрасль нашей страны.

Руководством страны принимаются меры по активизации туристического потока в страну с учетом стабилизации санитарно-эпидемиологической ситуации в тех или иных регионах мира. В этом плане принимаются соответствующие решения правительства, разрабатываются «дорожные карты».

Туристическая сфера относительно молодая, но необычайно перспективная. Важно наладить ее работу так, чтобы она функционировала четко, без сбоев, чтобы все субъекты туристского рынка были заинтересованы в конечном результате – больших объемах прибыли, которая станет составляющей благосостояния общества, обеспечения мира и стабильности в стране.

**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**
**корреспондент «На посту».**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# «ЧУВСТВУЮ ВЫСОКУЮ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ»

**Еще в юности Достонбек Кудратуллаев принял решение служить в правоохранительных органах. Этому послужили события, произошедшие 16 февраля 1999 года.**




… В тот злополучный день отец Достонбека, капитан Шухратилла Раимов, работавший в службе пожарной безопасности, исполняя служебные обязанности, получил ранение в схватке со злоумышленниками. Совсем еще юный Достонбек тогда твердо решил, что будет стоять на страже законности и защищать людей. К своей цели парень шел упорно: много читал, изучал историю, занимался спортом. После профессионального колледжа отслужил срочную службу, а затем подал документы в ГУВД г. Ташкента.

Имея хорошую подготовку, Достонбек успешно прошел отбор. В сентябре 2015 года его направили служить в 4-й отряд 2-го батальона (ныне 4-й отряд 3-го батальона) бригады ППС УППСиООП ГУВД столицы. В то время отряд возглавлял подполковник С. Равшанов (ныне он заместитель командира 2-го батальона бригады ППС). По признанию Достонбека, он помогал ему освоиться, многому обучил, в том числе азам патрульно-постовой деятельности, объяснял, как найти подход к людям, научил тактичности и вежливости в общении с гражданами, привил любовь и уважение к профессии.

Достонбек чрезвычайно горд: он сумел добиться того, о чем мечтал, – стал сотрудником органов внутренних дел.

– Я считаю, что каждый человек должен стремиться быть полезным людям. Профессия стража правопорядка – одна из самых благородных, – говорит водитель 4-го отряда 3-го батальона бригады ППС рядовой Достонбек Кудратуллаев. – Наша задача – защищать граждан от любых криминальных проявлений.

За прошедший период при участии Д. Кудратуллаева были выявлены и раскрыты преступления, связанные с кражей, мошенничеством, грабежом, содержанием притона, нанесением телесных повреждений. Он не раз задерживал особо опасных преступников, объявленных в розыск.

В нынешнее непростое время рядовой Д. Кудратуллаев проводит агитационную работу в местах скопления людей, информирует население о мерах профилактики коронавируса. Если в ходе несения службы он видит граждан, разгуливающих без масок или опускающих их на подбородок, то проводит с ними разъяснительную беседу. Вместе с сослуживцами навещает одиноких пожилых людей, приносит им лекарства и продукты питания.

– Рядовой Кудратуллаев – один из лучших сотрудников отряда – грамотный, трудолюбивый, с высоким чувством ответственности, требовательный, к себе в первую очередь. В прошлом году он поступил на заочное отделение Академии МВД, – тепло отзывается о нашем герое командир отряда подполковник Ф. Иногамов. – Принимая участие в различных специальных мероприятиях, он проявляет смелость и решимость.

Д. Кудратуллаеву двадцать шесть лет, но он уже многого добился на служебном поприще. И это не осталось незамеченным руководством страны, которой он преданно служит. Указом Президента «О награждении группы соотечественников, проявивших самоотверженность в борьбе с пандемией коронавируса», за достойный вклад в противодействие распространению COVID-19, обеспечение санитарно-эпидемиологического благополучия, высокое профессиональное мастерство, верность долгу и присяге, а также за отвагу и мужество, проявленные при выполнении возложенных задач, рядовой Достонбек Кудратуллаев награжден медалью «Шухрат». По его собственному признанию, известие о том, что он удостоен столь высокой награды, стало для него полной неожиданностью.

– Не скрою, приятно, но, отмечу, отныне чувствую высокую ответственность, – несколько смущенно говорит Достонбек Кудратуллаев. – Если позволю себе слабину, подведу своих сослуживцев, руководство, всех, благодаря кому я и был удостоен этой награды. Ведь в моем профессиональном становлении огромную роль сыграли старшие товарищи, наставники, с которыми служу здесь, в отряде. И если вдруг случится так, что все придется начать сначала, я без малейших сомнений и раздумий пройду этот же путь.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Хусана КАСИМОВА.**

# «ВРЕМЯ ПРОВЕРЯЕТ НА ПРОЧНОСТЬ НАШЕ ЕДИНСТВО»

**– говорит старший инспектор отдела профилактики правонарушений ОВД Тайлакского района Самаркандской области капитан Жасур Рахматуллоев, Указом Президента Республики Узбекистан удостоенный медали «Шухрат».**




Жасур Рахматуллоев работает в органах внутренних дел с 2014 года. Он служил инспектором профилактики в Ургутском, затем в Каттакурганском районах, а с апреля 2019 года трудится инспектором профилактики Тайлакского района. На вверенной территории – в махалле Зарафшон проживают более четырех тысяч человек.

– В пунктах общественного контроля мы организовали трехсменное дежурство, – рассказывает капитан Ж. Рахматуллоев. – Кроме этого, совместно с представителями махаллинского схода граждан разработали план действий по поддержке уязвимых слоев населения и оказанию им адресной помощи. Десятки семей в эти дни получили продукты питания первой необходимости. 12 домов были взяты на карантин. Понимая то, что эти люди ограничены в передвижении, мы организовали дежурство и оказываем им всяческую помощь. Пандемия сказалась на уровне жизни граждан, в частности заработках разнорабочих, у нас в махалле их более тридцати человек. Оставшиеся без средств мужчины были привлечены к оплачиваемым общественным работам. Основная часть работает на строительных работах по возведению туристической зоны Samarkand City. Параллельно продолжается выделение льготных кредитов для занятия предпринимательской деятельностью. Так, за последний месяц были выданы рекомендации для получения кредитов десяти жителям махалли.

Стоит отметить, что с приходом нового инспектора профилактики на вверенной территории не произошло ни одного преступления. Здесь ежедневно проводится профилактическая работа с населением.

– В настоящее время правила диктует эпидемиологическая обстановка. Ради собственного здоровья, во имя безопасности близких нам людей, из чувства ответственности гражданам надо стараться оставаться дома, – говорит наш собеседник. – В последнее время сельчане стали часто ездить на велосипедах. Но и эти случаи надо сокращать. Велосипедом стоит пользоваться лишь в исключительных случаях.

С начала объявления карантина 122 гражданина, бесцельно бродивших по махалле, были доставлены в опорные пункты для установления личности. В отношении 98 лиц были составлены протоколы в соответствии со статьей 54 «Нарушение правил борьбы с эпидемиями» Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности, и применены меры административного воздействия согласно санкциям данной статьи. Кроме того, 21 транспортное средство было помещено на штрафную площадку.

В беседе с нами Жасур Рахматуллоев рассказал о том, что награда возлагает на него большую ответственность.

– Пользуясь случаем, я бы хотел поблагодарить тех, кто, рискуя здоровьем, продолжает бороться с пандемией. Спасибо родителям и семье, которых я практически не вижу, за их терпение и поддержку. Отдельная благодарность руководству страны и моим коллегам. Обещаю оправдать высокое доверие.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ТУРИЗМ – МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҒИ



**Шуҳрат ҒОЙИБНАЗАРОВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор,**
**истеъфодаги полковник.**

Маълумки, мамлакатимиз Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган бўлиб, азалдан хорижликларни мўъжизавий маданий-тарихий ёдгорликлари, жаҳонга машҳур илм масканлари, юксак маданияти ва санъати, миллий ҳунармандчилик намуналари, асосийси, меҳнаткаш ва меҳмондўст, инсонлари билан ўзига ром этиб келган. Қадим замонларда юртимизда сайёҳлар учун махсус карвонсаройлар, меҳмонхоналар, сардобалар қурилишига, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги ва соғлиғи масалаларига катта аҳамият берилган. Шаҳарларда сайёҳлар эркин савдо-сотиқ қилишлари, вақтларини самарали ўтказишлари учун зарур шароитлар, жумладан, ҳаммомлар, кутубхоналар, боғлар ва чойхоналар яратилган.

Ўз даврида буюк мутафаккиримиз Абу Али ибн Сино «Фи-тадбири ал-мусофирун» номли сайёҳлар учун махсус тадбирлар услубий қўлланмасини ёзиб, унда хавфсиз саёҳатга оид тадбирлар, санитария-гигиена қоидалари ҳақида фикр юритган. Шу тариқа, карантин режими ва санитария қоидаларига ҳам асос солганликлари ҳақида қимматли маълумотлар бўлиб, биз ундан ҳозирги воқелигимизда ҳам фойдаланишимиз мумкин.

Жаҳон амалиётидан маълумки, туризм соҳасини ривожлантириш учун унинг индустриясини яратиш зарур, яъни ўзининг брендидан бошлаб – эсдалик совғалар, сайёҳбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, бошқа қатор хизматларни амалга оширадиган инфратузилма шаклланиши, тегишли мутахассислар тайёрланиши лозим. Эътироф этиш лозим, Президент Шавкат Мирзиёевнинг илк фармонларидан бири айнан туризм соҳасининг ривожига оиддир. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонда туризмга иқтисодиётнинг стратегик тармоғи мақоми берилиб, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс ривожлантиришнинг етакчи кучига айлантириш, иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор кучга айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш ва бошқа бир қатор комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш каби давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ИИВда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича яратилган махсус тизим туризм жойларида ҳамда туристларнинг мамлакатимиз бўйлаб ҳаракатланишида, фаол фойдаланилаётган темир йўл ва ҳаво транспорти тузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб, туристлар ва халқимиз эътирофига сазовор бўлмоқда.









Давлатимиз раҳбарининг «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан, ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ Тошкент метрополитенида ИИБ ҳамда Тошкент вилояти ИИББ транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими негизида вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ташкил этилганлиги туризм, метрополитен, темир йўл ва ҳаво транспорти инфратузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш имконини берди.

Мамлакатимизда маданий-тарихий объектлар 8200 дан зиёд бўлиб шулардан 500 тасига туристлар, экскурсантлар мунтазам ташриф буюради. Демак, ҳали бу соҳада амалга ошириладиган ишлар анчагина. Шунингдек, туризмнинг бошқа салоҳиятли турлари – экологик, этнографик, гастрономик, даволаш, спорт, туризм қишлоғи, туризм овули, туризм маҳалласи ва саноат, ишбилармонлик, оилавий, ёшлар, кексалар туризмлари каби янги турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантириш, имкон қадар қулайлик яратиш, тармоқнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорида миллий туристик маҳсулотни фаол танитиб бориш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Натижада туристлар оқимини ошириш, инфратузилмани модернизациялаш, виза режимини эркинлаштириш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Энг либерал виза режимлари рейтингида Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади.

Масалан, энг либерал виза режимлари рейтингида Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида иккинчи ўринни эгаллади. Йилдан-йилга юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сафи кўпаймоқда. Хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга, албатта, бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. 2019 йилда 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баравар кўп демакдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, туризм бўйича қабул қилинган янги қонун ҳамда норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги соҳадаги муносабатларни тартибга солди. 2019 йил 18 июль куни имзоланган Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида мамлакатимиз ҳудудида туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланганлиги белгиланган бўлиб, бу ички ишлар органлари ходимлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш, қулай иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, соҳада устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги фармонига биноан, «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси» тасдиқланди. Унда туризм соҳасининг жорий ҳолати таҳлили, соҳани ривожлантиришнинг асосий мақсад ва босқичлари, унинг асосий йўналишлари ва якуний қоидалар белгиланиб, тегишли чора-тадбирларни фаол амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим далилларидан бири сифатида ички туризмни ривожлантириш, фуқароларимизни ёхуд кексаларимизни Ватанимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан яқиндан таништириш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Коронавирус пандемиясига қадар ҳудудлар ўртасида туристлар ички оқимини кенгайтириш, улар сонини 14 миллиондан 19 миллионгача ошириш имкони мавжудлигини кўрсатди.

Жаҳон бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатлар иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимиз туризм соҳасига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон туризми ташкилоти маълумотига кўра, 2020 йилда халқаро саёҳатлар сони 89 фоизга, иш ўринлари 74 миллионга қисқариши, соҳадаги жами йўқотишлар 800 миллард долларни ташкил этиши мумкин. Жорий йил 16 мартдан мамлакатимиз ташқи ва ички сайёҳлар учун ёпилган эди. Шу кундан эътиборан республика бўйича 1,5 мингдан зиёд кўп туроператор, 1200 та меҳмонхона ўз фаолиятини тўхтатди.

Президент Шавкат Мирзиёев туризм соҳасини жадал суръатларда тиклаш ва мамлакатдаги санитария-эпидемологик вазият барқарорлашгандан сўнг уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини шакллантириш мақсадида тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиб, ҳукуматга чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва бажариш вазифаси топширилди. Алалхусус, янги туристик зоналар, халқаро аэропортлар, темир йўл вокзалларини жаҳон андозаларига мослаштириш, минглаб янги иш ўринлари, янги касблар пайдо бўлиши натижасида ҳудудлар инфратузилмаси яхшиланиб боради, кенг кўламда ободонлаштириш ишлари, янги меҳмонхоналар, ошхоналар маданият уйлари, транспортнинг барча турлари хизмати ривожланади, янги спорт майдонлари, қишки ва ёзги сув ҳавзалари, стадионлар ишга туширилади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «1 турист – 1 инвестор» ғоясининг амалга оширилиши ҳам туризмнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги стратегик тармоғи эканлигини исботлайди. Зеро, бетакрор юртимизнинг туризм соҳасидаги истиқболи ва имкониятлари беқиёсдир.

ТРАНСПОРТДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

# ЎЗГАРИШЛАР ИЖОБИЙ

**Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими вилоят ҳудудидан ўтган 303,5 километр узунликдаги темир йўл ва унга ёндош 56 та маҳаллада хизмат олиб боради. Чунончи, Жиззах шаҳри, Зомин, Зарбдор, Шароф Рашидов, Ғаллаорол, Фориш, Зафаробод, Пахтакор, Дўстлик ва Мирзачўл туманларидаги вокзаллар, 6 та разъезд, 11 та бекат ва 11 та темир йўл кесишмаси назоратимиз остида. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.**





Айни мақсадда темир йўлларга ёндош аҳоли пунктларида яшовчи фуқаролар иштирокида тарғибот тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда. Мазкур жараёнда темир йўлни кесиб ўтиш қоидаларига қатъий амал қилиш, темир изларда юрмаслик, ёндош ҳудудларда чорва молларини боқмаслик, турли жисмлар ташламаслик, поездларга тош отмаслик, вагонлардаги юкларни талон-торож қилмаслик бўйича ҳуқуқий тушунчалар берилаётир.

Бу тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудимиздаги темир йўлларда инсон ўлими ва жароҳатига сабаб бўлувчи ҳодисалар юз бермади.

Темир йўл инфратузилмаларининг хавфсизлигини таъминлашга ички ишлар органларининг бир қатор соҳавий хизматлари ходимлари жалб этилган. Вилоятдаги мавжуд 11 та темир йўл бекатининг ҳаммасида соҳа вакиллари учун зарур шароитларга эга хоналар юзага келтирилди. Бундан ташқари, қўриқловга олинмаган 10 та темир йўл кесишмасига қуёш батареяларидан қувватланувчи ёритгич ва огоҳлантирувчи чироқлар ўрнатилди.

Ўтган йили «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан капитал таъмирдан чиқарилган маъмурий бинода ходимларимизнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар мавжуд. Чунончи, тергов гуруҳи, профилактика инспекторлари, жиноят қидирув бўлими, жамоат тартибини сақлаш бўйича инспекторлар, тезкор вакиллар учун хоналар ажратилган. Маънавият ва маърифат хонаси, навбатчилик қисми, ошхона, ётоқхона, ювиниш хонаси мавжуд.



Навбатчилик қисмида ситуацион марказ фаолияти йўлга қўйилди. Айни вақтда 12 та видеокузатув қурилмаси орқали Жиззах темир йўл вокзалини назорат қиляпмиз. Ходимларнинг спорт билан, хусусан, енгил атлетика билан шуғулланиши учун имконият яратилди, саф ва машқ майдонимиз бор. Вилоятдаги барча бекатлар билан узвий боғланиш, ИИВ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ҳамда вилоят Ички ишлар бошқармаси билан конференц алоқада бўлиш шароити яратилди.

Булар ҳаммаси темир йўллар, вокзаллар, бекатлар, тизимга тегишли иншоотлар ҳамда ёндош аҳоли пунктларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни «иссиқ изида» очишга қаратилган фаолиятимизга ижобий таъсир кўрсатишига ишонамиз.

**Шерзод ХОЛМУРОДОВ,**
**Жиззах вилояти ИИБ транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи, подполковник.**





МУЛОҲАЗА

# СИЗ МАДАНИЯТЛИМИСИЗ?!

**Маданият сўзини кундалик ҳаётимизда жуда кўп эшитамиз ва ўзимиз ҳам қўллаймиз. Одатда кўпроқ бошқа сўзлар билан бирга қўлланадиган бу сўз «ҳуқуқий маданият», «оммавий маданият», «овқатланиш маданияти», «маданий-маърифий» ва ҳоказолар тарзида ишлатилади. Биз айни дамда ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишни англатадиган ҳуқуқий маданият ҳақида ҳам, ноахлоқий одатлар йиғиндиси саналмиш оммавий маданиятга ҳам тўхталмоқчи эмасмиз. Балки ҳар куни дуч келадиган, биридан оғриниб, биридан қувонадиган одатларга, яна ҳам аниқ қилиб айтадиган бўлсак, кўча маданиятига қисқача тўхталмоқчимиз, холос.**



Ҳар куни кундалик ҳаётимизда турли юмушлар билан кўчага чиққанимизда ёки ишга кетаётганимизда бир гуруҳ фаррошлар кўчани тозалаётганини кўрамиз. Йўлакларда, ариқ ичларида чиқиндининг ҳар хилидан бор: бўш баклажкалар, музқаймоқ идиши, турли қоғозлар, писта пўчоқлари ва ҳатто эски пойабзалгача... Ҳалиям ҳозир карантин. Агар коронавирус балоси бўлмаса, бундан ҳам бадтар бўлиши турган гап. Уйида ўтиравериб зерикиб кетган аҳоли куннинг маълум вақтида кўчага айланишга чиқиб, қисқа вақтда атрофни шундай кўнгилсиз ҳолатга келтирганига ҳеч ишонгиси келмайди одамнинг.

Аслида кўчанинг ҳар-ҳар жойида, бекатларда ҳам чиқинди ташлашга мўлжалланган махсус қутичалар қўйилган. Афсуски, айримлар қўлидаги нарсани ўшанга олиб бориб ташлашга оғринади.

Ўзини ҳурмат қилган, атрофидагилардан маданиятсиз, фаросатсиз, деган сўзларни эшитишни хоҳламаган киши бундай ишларни қилмайди. Келинг, шу ўринда сизга ўзим гувоҳ бўлган икки хил манзарани келтирсам. Аминманки, бундай манзарани сиз ҳам кўргансиз ёки эшитгансиз.

Бунга анча бўлди. Ўшанда автобусда қаергадир кетаётгандим. Йўловчи кўп. Аксарият ҳолларда ноўрин хатти-ҳаракат қилаётган киши атрофдагиларнинг диққат эътиборида бўлади. Бу автобусда ҳам ўртароқда ўтириб кетаётган эр-хотин ва уларнинг икки фарзанди кўпчиликнинг ўзига қаратганди. Мен бекатдан чиққанимда улар оилавий музқаймоқ еб кетишаётган экан. Бир маҳал музқаймоқ идишлари бўшагач, ота уларни йиғиб, бамайлихотир, ҳеч кимдан уялмасдан, заррача оғринмасдан... автобус ойнасини очдида ташқарига ташлаб юборди. Навбат бананга келди. Ота бананни арчиб, бир тишлаб ўзининг улушини олгач, ўғлига тутқазди. Атрофдагилар диққат билан қараб турибди. Бананнинг пўчоғи ҳам ойнадан отилармикин? Афсуски, яна ўша ҳолат такрорланди. Ота ўрнидан ярим турди-да, банан пўчоғини ташқарига улоқтирди. Мен чидаб туролмадим:

– Оғайни, нимага ташқарига ташлаяпсиз? Маданият борми сизда?

– Ҳа, нима? Сизнинг кўчангизга ташладимми?

Ана маданиятсизлигу, мана фаросатсизлик.




Рассом: Ҳусан СОДИҚОВ.

Иккинчи манзара эса қуйидагича эди. Одам гавжум жойда бир қиз билан онаси нимадир излашарди. Кўпчиликнинг хаёлида улар бирор нарсасини тушириб қўйишганмикин, ўшани ахтаришаяпти шекилли, деган тахмин бор эди. Бир пайт она қизига узоқроқдаги бир нарсани қўли билан кўрсатди. Қизалоқ ўша тарафга югуриб кетди. Ҳамманинг нигоҳи қизнинг орқасидан таъқиб қилиб борарди. Бир маҳал қизалоқ чеккароқда турган махсус қутичанинг олдига бориб, қўлидаги сок идишини унга ташлади. Кейин хотиржамлик билан орқага қайтди. У идишни дуч келган жойга ташлаб кетавериши мумкин эди. Лекин бундай қилмади.

Ана маданияту, мана фаросат.

Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади, деган гап бор. Жуда топиб айтилган. Юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг биринчисида ота болаларига салбий ўрнак кўрсатиб, маданиятсизлик қилиб турибди. Келажакда унинг фарзандлари ўз фарзандларига ана шу «аньана»ни етказса, ҳеч ҳам ҳайрон бўлмайман. Чунки ўз фарзандларига маданиятли бўлишни ўргатиши учун отанинг ўзи маданиятли бўлиши лозим. Бу ота эса...

Ён-атрофимизнинг, маҳалламизнинг, ана боринги шаҳримизнинг ифлосланиши кўп ҳолларда атрофдагиларнинг беэътиборлиги, «менга нима» қабилида фикр юритиши натижасида ҳам келиб чиқаяпти. Қўшнингиз чиқиндисини деразасидан отса-ю, сиз кўрмаганликка олсангиз, кимдир сигарет қутисини кўчага ташлаб кетса-ю, сиз нимага ташладинг, демасангиз, автобусда яна кимдир музқаймоқ қоғозини деразасидан ирғитса-ю, сиз «менга нима» деб жойингизда ўтираверсангиз, маданият ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси ҳавога учиб кетаверади.

Сиз ўзингизни маданиятли ҳисоблайсизми? Шаҳримизнинг, юртимизнинг озода ва обод бўлишини истарсиз, балки. Бунинг учун эса биз катталар, ота-оналар ёшларга, фарзандларимизга ўрнак кўрсатишимиз лозим. Ахир айтишади-ку, энг яхши ўрнак ташаббус кўрсатиш деб.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ИБРАТ

# ҲАР АМАЛНИНГ АВВАЛИ ИНСОНИЙЛИК

**Эрта билан рўзғорга керакли маҳсулотларни харид қилиш учун супермаркетга кирдим. Супермаркетга кирар эканман, кўз олдимдан ўз қувончу ташвишига андармон бўлиб юрган одамлар билан гавжум кўча ва дўконлар бирбир ўтди. Эҳ, ёз бўлса-да, кўпчиликни уйга ипсиз боғлаган бу касаллик тезроқ даф бўлсин-да! Ўз-ўзидан тилимга шу сўзлар келди...**

Туйқус кўзим супермаркетнинг киравериш йўлагида ҳолсизланиб йиқилган аёлга тушди. Дарҳол ҳамма ёрдамга ошиқди. Ҳаммадан аввал ички ишлар органлари ходими либосидаги йигит уни ўрнидан турғазиб, ўриндиққа ўтқазди. Сўнгра юзига сув сепиб, одамлардан аёлнинг атрофида тўпланмасликни илтимос қилди. Аёл беш-ўн дақиқа ичида анча ўзига келди. Бу пайт кўпчилик йўлига равона бўлган, фақат аёл ёнида қолган ҳалиги йигит ундан «Опа, аҳволингиз яхшими, ўзингизга келдингизми?», дея қайта-қайта сўрарди. Яхшиямки, аёлнинг қўл телефони ёнида экан. Йигит унинг яқинларига телефон қила бошлади. Мен ҳам бироз хотиржам тортиб, харид қилиш учун ичкарига кириб кетдим. Керакли нарсаларни олиб қайтганимда, йигит аёлнинг ҳам, минг бир ҳадик билан етиб келган турмуш ўртоғининг ҳам хавотирларини тарқатиб, уларни кузатаётган экан.

Англаганим шу бўлдики, аёл боласининг озуқаси тугагани учун дўконга чиққан. Она-да, боласининг қорнини тўйдиришни ўйлаган-у, ўзининг нонушта қилмагани хаёлига ҳам келмаган. Оқибатда ҳолсизланиб йиқилган. Ҳа, айтганча, ёрдамлашиш ўрнига, ҳайратланиб, йўлидан қолмай ўтиб кетганлар ҳам бўлди. Ҳозир биров-биров билан ортиқча мулоқотга киришмаслиги вирус юқтириб олмасликнинг муҳим шартлари эканлигини англаган ҳолда, буни тўғри тушуниш керакдир, балки. Аммо ички ишлар органлари ходимида бундай кайфиятни сезмадим. Кўрганим, гувоҳи бўлганим, унинг касбига содиқлиги-ю, оддий одамларга бўлган яхши муносабати эди. Тўғри, орамизда бу унинг хизмат вазифаси, дегувчилар ҳам бор. Аммо бу вазиятда ходим касбига фидойилик, бурчга садоқат ва ака-укалардек меҳр, яъни инсонийлик фазилатларига содиқлигини ҳам исботлади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

Халқ мақоли

**Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир,**
**Ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир.**

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# Жить заботами махаллинцев



**Каждая новая статья, повествующая о деятельности инспектора профилактики, раскрывает новые грани работы, направленной на предупреждение преступлений и правонарушений. Чтобы вовремя отвратить беду, мало пользоваться уважением людей, нужно суметь завоевать их доверие. Тогда с задачей – обеспечить правопорядок и мирную жизнь граждан – справиться легче.**




Недавно довелось побывать в столичной махалле Янги Сергели, что в Сергелийском районе, и провести целый день с инспектором профилактики старшим лейтенантом Имомом Юсуфалиевым, а заодно узнать мнение жителей о нем.

Надо отметить, что в начале года именно опорный пункт ОВД № 246, в котором чуть больше двух лет служит старший лейтенант И. Юсуфалиев, был признан победителем ташкентского городского этапа смотра-конкурса «Образцовый опорный пункт органов внутренних дел».




Срок его службы относительно небольшой. Однако Имому удалось добиться значительного снижения количества правонарушений на вверенном участке, где проживают почти четыре тысячи человек.

Каждое утро инспектор профилактики спешит в кабинет. Там его ждут жители и активисты МСГ. Беседуя с людьми, старший лейтенант внимательно слушает каждого, при необходимости, задает уточняющие вопросы.

– Ежедневно составляю план, – рассказывает Имом Юсуфалиев. – Работаю с документами, обращениями граждан, тщательно изучаю съемки с камер видеонаблюдения, анализирую факты, параллельно выстраиваю стратегию действий. Кстати, камеры видеонаблюдения помогают не только раскрывать уже совершенные преступления, но и своевременно пресекать возможные правонарушения. Поэтому первое, чему я уделил внимание, когда меня назначили инспектором профилактики, – это установке камер возле жилых домов, магазинов, в других общественных местах. С пониманием отнеслись к решению этого вопроса предприниматели, актив махалли и сами жители. Именно благодаря взаимодействию жителей с правоохранительными органами, общественными организациями, институтами гражданского общества и другими общественными институтами нам удалось добиться снижения преступности. Выражаю признательность за это всем жителям махалли Янги Сергели.



Проходя с инспектором по вверенной территории, мы обратили внимание на то, что все, кто встречался нам по пути, – дети, молодежь, взрослые и пожилые люди – здоровались и делились с нами тем, как обстоят у них дела. Одни благодарили за помощь, другие просили о поддержке.

Жительница махалли Холида Джумаева очень довольна работой инспектора профилактики и благодарит его за помощь.

– Наш инспектор профилактики профессионально выполняет свои обязанности, – говорит Х. Джумаева. – Он ежедневно обходит территорию, и если кому-то нужна помощь, никогда не откажет. Я знаю его два года. Ни разу не слышала, чтобы кто-то о нем плохо отзывался. Хочу сказать спасибо за нашу спокойную жизнь.

– С приходом Имома Юсуфалиева в махалле значительно уменьшилось количество правонарушений, – продолжил председатель МСГ «Янги Сергели» Шорахим Шомансуров. – Думаю, это благодаря тому, что Имомжон выбрал верную стратегию предупреждения правонарушений. Он старается быть осведомленным о проблемах всех наших жителей, чтобы вовремя решать их. Практически каждый житель знает номер телефона инспектора профилактики и обращается напрямую, без стеснения, что свидетельствует о доверии к нему.



На вверенном участке есть граждане, готовые помочь инспектору в его нелегком деле. Они подскажут, за какой семьей нужно приглядеть, кого взять на контроль. К каждой категории граждан имеется свой подход, и методы воздействия тоже индивидуальные.

– Утром обратилась женщина, оказавшаяся из-за карантина в сложной жизненной ситуации, без средств к существованию, – говорит старший лейтенант И. Юсуфалиев. – Вместе с председателем был решен вопрос об оказании помощи женщине и ее семье. Сейчас мы с вами навестим ее и занесем продукты питания.

Такую помощь с начала месяца получили несколько десятков семей.

Проходя вместе с инспектором профилактики по махалле, мы обратили внимание на то, что практически все, кто нам встречался, были в медицинских масках. А тем, кто был со спущенной маской, Имом Юсуфалиев терпеливо разъяснял, почему важно соблюдать санитарно-гигиенические правила и рекомендации врачей.

При обходе территории сотрудник особое внимание уделял соблюдению правил карантина в торговых точках. Инспектор профилактики напомнил работникам, какие условия необходимо выполнять, чтобы не допустить распространения коронавирусной инфекции. Это наличие антисептика и замер температуры тела посетителей на входе в магазин, соблюдение социальной дистанции и наличие масок.

Инспектор профилактики держит постоянный контакт с врачами семейной поликлиники и ежедневно справляется о состоянии здоровья жителей.

Так проходят будни инспектора профилактики старшего лейтенанта Имома Юсуфалиева. Причем рабочий день не всегда заканчивается вечером: есть и ночные дежурства, и вызовы. В общем, действовать приходится по обстановке.

**Равшан МУХИДДИНОВ.**
**Фото Равиля ВАЛИТОВА.**

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИ

# ИСТИҚЛОЛДАН ТОПДИМ БАХТИМНИ!



**Мен чин маънода ўзимни истиқлол фарзандиман, десам, асло хато қилмаган бўламан. Чунки мустақиллик туфайли гуллаб-яшнаган юртда вояга етиб, Ватаним равнақи йўлида хизмат қилиб келмоқдаман.**

2012 йилда Тошкент Молия институтини тугатиб, бироз муддат ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бердим. Сўнг болаликдаги орзуимни амалга ошириш учун ички ишлар органига ҳужжатларимни топширдим. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида таҳсил олдим.

Дастлаб, Бухоро вилояти ИИБга бевосита бўйсунувчи марказлаштирилган бухгалтерияда бош бухгалтер ўринбосари лавозимида ишладим. Айни пайтда вилоят ИИБ Молия-таъминот хизмати бош инспектори лавозимида фаолият кўрсатмоқдаман.

Устозларим подполковник Иноят Асатуллаев ҳамда капитан Анвар Яндашевлар менга касб сир-асрорларини, айниқса, ҳужжатларни тўғри юритиш, ҳисоб-китоб ишларида хатоликка йўл қўймаслик ва муомала маданиятига эътиборлироқ бўлишни ўргатишди. Ўз касбининг моҳир усталари бўлган ана шундай фидойи инсонларнинг шогирди эканлигимдан чексиз фахрланаман.

Хизматдан бўш пайтларимда бадиий асарлар мутолаа қиламан, айниқса, шеърият жону дилим. Қолаверса, қизиқарли масалаларни ечишга, футболга ҳам қизиқаман. Шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасига бўлган қизиқишларим туфайли ИИВ Академияси Сиртқи таълим факультетига ўқишга кирдим ва ҳозирда иккинчи курсни тамомладим.

Халқимизда ҳаёт интилганга кулиб боқади, деган гап бор. Ҳалол меҳнат қилиб, олға интилган киши ҳеч қачон хор бўлмайди, ўз мақсадига эришади. Мен ҳам Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиб, чин дилдан, туну кун хизмат олиб бораётган ходимлар учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда уларнинг ойлик маошларини ўз вақтида олишлари учун меҳнат қилаётган ҳамкасбларим билан бир сафда хизмат қилаётганимдан ғурурланаман. Ниятим, мустақил мамлакатимиз тараққиёти йўлида камарбаста ҳар бир инсонни фидойилик, юртга бўлган муҳаббат ва касбга садоқат туйғулари ҳеч қачон тарк этмасин.

**Феруз САДУЛЛОЕВ,**
**катта лейтенант.**
*Бухоро вилояти.*

ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

# МАҲОРАТЛИ СПОРТЧИ, НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ

**Она Ватан осойишталигини сақлашдек эзгу мақсад билан яшайдиган ҳақиқий юрт посбони спортга ошно бўлади. Ёшлигидан ҳарбий хизматчи бўлиш ниятини дилига жо қилган Давлатбек Мараимов ҳам спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бокс билан мунтазам шуғуллана бошлади. Тинимсиз меҳнатлар самараси ўлароқ, 2010 йилда ўзи туғилиб ўсган Фарғона вилояти ёшлари ўртасида ўтказилган бокс бўйича чемпионатда 44 кг вазн тоифасида барча рақибларини доғда қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.**

2012 йили Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда 57 кг вазн бўйича ғолибликни қўлга киритган Давлатбек 2015 йилги мамлакат кубоги мусобақасида 64 кг вазн тоифасида тенгсиз эканлигини исботлади.

Касб-ҳунар коллежини тамомлаган бўлажак Ватан ҳимоячиси болаликдаги орзусини рўёбга чиқариш учун ҳарбий хизматга йўл олди. ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Бухоро вилоятидаги 7551-ҳарбий қисмда йигитлик бурчини муносиб адо этаган Д. Мараимов Қашқадарё вилоятидаги 7533-ҳарбий қисмда хизматни шартнома асосида давом эттирди. 2017 йилнинг апрель ойидан бугунги кунгача Махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводида намунали хизмат қилиб келаётган бу йигит 2018 йилдан спортнинг қўл жанги усули сир-синоатларини ҳам мукаммал ўрганиб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

У 2019 йилнинг июнь ойида республика чемпионатида иштирок этиб, 75 кг вазнда кумуш медаль соҳиби бўлди. Шундан сўнг зафарли чиқишларини давом эттирган сафдор Давлатбек Мараимов ўша йилнинг июль ойида универсал жанг бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида 73 кг вазн тоифасида олтин медалга лойиқ топилди. Декабрь ойида эса пойтахтимизда бўлиб ўтган спортнинг «Жеет-куне-до» тури бўйича Осиё чемпионатида 73 кг вазнда унга тенг келадиган рақиб йўқлигини яна бир бор намойиш этди.

Сўнгги йилларда ўз вазн тоифасида республика, МДҲ ва Осиё миқёсидаги турли мусобақаларда муносиб қатнашиб, 70 га яқин турли даражадаги медаль ва кубокларни қўлга киритди.

– Сафдор Давлатбек Мараимов маҳоратли спортчи бўлиш билан бирга, намунали ҳарбий хизматчи ҳам саналади, – дейди мазкур ҳарбий қисм командири вазифасини вақтинча бажарувчи, подполковник Абдулазиз Солиев. – Шу боис барча унга ҳавас қилади, ютуқларидан чексиз фахрланади.





Лавҳамиз қаҳрамони хизматдан бўш пайтларида бадиий китоблар мутолаа қилишни, табиат қўйнида сайр этишни канда қилмайди. Давлатбек ўз соҳасининг етук, олий маълумотли мутахассиси бўлишни мақсад қилган. Унинг бу орзуси ҳам амалга ошишига тилакдошмиз.

**Михли САФАРОВ,**
